

2022 й. 25-январь Операция Корхона Операция қилинган қисқартirilgan ва Нуқсон шахар электр  
 таъминоти қорхонаси ўрнатилган 13500000 сум 00 тийин суммага тузилган 161575 соғли шартномага

16086957

ТУЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Б/б 056

Шахсий таъин ижроси рақами 100021860354017092300056002

2022 й. ойлар номи.	Харajatлар тури		Всего
	(бюджет таснифнинг тегишли коди)		
	7092300	...	
	4221000	...	
Январь	4 500 000,0		4 500 000,0
Февраль	4 500 000,0		4 500 000,0
Март	4 500 000,0		4 500 000,0
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>13 500 000,00</b>		<b>13 500 000,00</b>

Жами 13500000 (Он ун миллион бес жүз миң) сум 00 тийин

сумма сўз билан

Юқорида кўрсатилган суммани  
 сум 00 тийин оқни шартноманинг умумий суммасидан

% \*\*\* 2022 й

ойда туларини лозим

(\*)-Бюджет тизимининг, бюджет маблаг олдури ва БМЖ маблаг олдурига тегшлик бўлишига бўлишига йкки йуқарида таъин ижраси

(\*\*) -булар, кичик бўлим ва харajat моддаси кўрсатилган  
 (\*\*\*) - Юқорида кўрсатилган суммани оғига % жорий ойнинг сависага хар ойда олдуридан туларини лозим (ушбу савг бюджет  
 ташкилоти, бюджет маблаг олдури ва БМЖ маблаг олдурига тегшлик бўлишига бўлишига йкки йуқарида таъин ижраси  
 хужжатларида лозим бўлган ҳар ой лозим равишда товарлар (шарҳ, хизматлар) етказиб шартномалари бўйича туларини ақли  
 ошарили холларида туларини рақами

Бюргмач: Д. Хожаберишнов (Ф.И.О.)  
 М.У. Е. Утемурагов (Ф.И.О.)  
 Бюргмач: Е. Утемурагов (ИМЗО)



Бюргмаччи хозими  
 хозими қабул қилди (ИМЗО)  
 20 й. « »

Бюргмаччи хозими  
 хозими қабул қилди (ИМЗО)  
 20 й. « »



## Компенсация қурilmаларининг ишлаш режими

## 1. Компенсация қурilmаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурilmаларининг турлари	Қуввати	Уланш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторсизликда ишлайдиган конденсатор қурilmалари билан эскирилган ташкилотлар уланш вақтларини тўдоришни шарт эмас.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тизич пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича.

Тизич пайт – энг катта юкнамали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкнамали соатлари: эрталабги энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунгги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкнамали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаковчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни нақллантиришининг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига қаритилган мақсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хужумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланиладиган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Қорхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти қорхонаси эҳсонлиги ваққини билан биргаликда (маржуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг янги қорхона ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-илоvasига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Қорхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «\_\_\_\_\_» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифга амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тизич, ярим тизич ва тунгги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» қорхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий маборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурлир.

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чеграсидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_%, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узуنлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесми юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;  
Кесми юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;  
Русуми \_\_\_\_\_;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_% ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-килолада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналарига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:



3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртача суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилинади. Қайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. «Истеъмолчи» томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида «Корхона»га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

«Корхона» «Истеъмолчининг» шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимида реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдоридан, электр энергияси махсус тартибда етказиб берилганда, корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдоридан пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.





Электр таъминотининг шартномасига 3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс маъсублги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик четараси ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиш прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловлар тузилади

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами \_\_\_\_\_ ток трансформатори \_\_\_\_\_ қўллангани трансформатори \_\_\_\_\_ жами коэффициентини \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ кВт Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил \_\_\_\_\_

1. Ҳисобга олиш прибори Фазолият тури Оператив шавҳар қўриқ, лифти, суфа ва рақами Троби шил. чок. Шисовбоғ, Г'ямат, Паленка ва чик. Ақра чеки, Насос, Саваб, Кафе, Ойқоши, Устхона ва...???

2. Ҳисобга олиш прибори балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд: а) ҳаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

б) кабель электр тармоғи 10-04кВ, рақ. ШИМ

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_ кВА

3. Ҳисобга олиш прибори ва «Корхона» ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича маъсуллик четараси \_\_\_\_\_

4. Электр қурилмаларига: \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш «Истеъмолчи» ходимлари томонидан, \_\_\_\_\_

«Истеъмолчи» билан тузилган «Техник хизмат кўрсатиш» № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. маърузамаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. «Техник хизмат кўрсатиш» шартномаси тузмаса \_\_\_\_\_

5. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик четараси қуйидагича белгиланди: \_\_\_\_\_

Вакиллр:



3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда; ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қардорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда; ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ҳисобга олиш приборларини хатти-харажатлар амалга оширилганда; уларнинг ишлашига ташқаридан аралашин хатти-харажатлар амалга оширилганда; электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қардорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНА) Га уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинмаган улۇшга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолларда аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Ойлавиқ тадбиркорлик тўғрисида» ги УРҚ 327-сон Қонунинг 28-моддасига асосан Ойлавиқ корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга: «Истеъмолчи»нинг электр қурилмаларини «Корхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш; электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтаб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар қилиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмининг ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

«Истеъмолчининг» (субъектнинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тур ва қўлланган тоъфаси (кВт) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тура (актив), (пассив ток)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоқдаги қорғош шомбосининг рақами	Учув трансформаторларнинг трансформация коэффициентига		Ҳисобга олиш приборининг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлар ва ҳисоблагич кўрсаткичи
				Ток	Куч/киши	
Муштарий Д.Н. Ш.В.	СХ-518	194800517084	К0101543	30030/4000	150/15	30

Имзолар:

Истеъмолчи:

*С.В. Ш.В.*



электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартнома ни конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органига (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида ривож этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Корхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзнергоспециация» конуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

«Корхона» закалининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушариладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошлангичдан қанда бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжини аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган мақсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субъектларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Корхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали давларида реактив энергия ва қувватнинг хар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг хар 30 дақиқадаги сарфини.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга. мақсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган инкор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технология, яқна тартибдаги ва гуруҳ бўйича, йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташқил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;



(имсои.)  
 Электр таъминотининг шартномасига  
 1 - илова


**Етказиб бериладиган энергия хажми**

1. Тариф гуруҳи \_\_\_\_\_
2. Фаолият тури \_\_\_\_\_ кВА
3. «Истеъмолчи» электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВт
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тонфаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_

тариф тури, таъминлаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига таъминлаштирилган (серақсима ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	30000				
Январь	10000				
Февраль	10000				
Март	10000				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади \_\_\_\_\_ соат, ойга \_\_\_\_\_ кун  
 Умумий юкламага нисбатан сманалар бўйича юкланиш % ҳисобида I, II, III



корхона бўйича, шу жумладан қўл энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи мезърларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежасли ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш, маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган мезърларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкалий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. «Корхона» қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
 «Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилишни талаб этиш;  
 ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;  
 авария режимида «Истеъмолчи»ни электр тармоғидан узиб қўйиш;  
 ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олинган ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олинган тўланган ҳақ тутаганда электр тармоқларидан узиш.

«Корхона» қонунчиликлари мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.  
 Мазкур шартномага асосан «Истеъмолчи»ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун «Корхона» жавобгар бўлмайди.

4.4. «Корхона» қуйидагиларга мажбур:  
 «Истеъмолчи»га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланси бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;  
 ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, пунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилиётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;  
 «Истеъмолчи»ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;  
 қиртилиётган цехларлар тўғрисида, цехларнинг хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олинган хабар бериш;  
 электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги «Истеъмолчи»нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағавал жавоб юбориш;  
 «Истеъмолчи»га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;  
 «Истеъмолчи»нинг белгиланган тартибда қиртилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар қилиш, электр